

ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ҚЎРИҚ ЕРЛАРИДА PANICUM MILIACEUM L. ЎСИМЛИГИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Д.У.Алимбетов - таянч докторант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Қ.А.Қосназаров — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: экологик ўзгаришлар, озиқ-овқат муаммолари, қўриқ ерлар, тарик, технология, тadbирлар, тавсияномалар.

Ключевые слова: экологические изменения, проблемы продовольствия, залежные земли, просо, технология, предложения, рекомендации.

Key words: ecological changes, food problems, fallow lands, millet, technology, suggestions, recommendations.

XX аср иккинчи ярмидан бошланган Марказий Осиё Республикаларида юз берган салбий экологик ўзгаришлар таъсирида (дарё сувлари тақчиллиги, бор сув захираларининг ҳам давлатлар ва хўжаликлараро тўғри тақсимланмаслиги, шу боис, қишлоқ хўжалиги ҳамда табиий ўсимликлар дунёси билан ҳайвонот турлари ҳосилдорлигининг камайиб кетиши ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ва унинг ажралмас бир қисми бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларини ҳам четлаб ўтмади.

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бири - бу аҳолини витаминларга бой, муҳим макро ва микро элементларга эга, тўйимли озуқа, доривор, тузли ва нам кам бўлган тупроқларда ҳам яхши ўсадиган ва етарли ҳосил берадиган ўсимлик маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳисобланади.

Оддий тарик (*Panicum miliaceum* L.) ўсимлиги бир йиллик экин бўлиб, мана шу муаммоларни ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ноёб ўсимликлар қаторига кириди ва у бизнинг эрамыздан олдин 4-5 минг йил муқаддам шу заминда етиштирила бошланган ва Шарқнинг нони деб ҳам аталади.

Тарикнинг келиб чиқиши ва шаклланиши Марказий Шарқий ва Марказий Осиё. Ватани Хитой эканлиги тон олинган ва бу давлатда бизнинг эрамыздан III минг йиллар олдин экилган. Тарик Хитойда ҳозирги кунда ҳам экилиб келинмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ҳудудларида ҳам тарикнинг қадимдан экилиб келинаётгани археологик топилмаларда ўз исботини топган [3:512; 4:122]. Россия ва бошқа давлатларга эса осие кучманчилари тамонидан тарқатилган. Тарикнинг жаҳонда тахминан 500 тури мавжуд. Шундан, 400 тури Европа, Осиё, Африка, Америка давлатларида маданийлаштирилган. МДХ ва Россияда фақат 8 тури ўстирилади. Ёввойи тарик эса бегона ва ем-хашак ўт ўсимлик ҳисобланади.

Авлод-аждодаларимиз қадимги замонларда ҳам тарик ўсимлиги донини қовуриб сўк (кувурилган дон) деб аталадиган емишни ва бошқа ҳар-хил талқонларни тайёрлаганлар. Сўк ва талқонларни каналлар ва қатта ариқларни қазиб жараёнида (хашарларда) ёки ўша даврларда тез-тез юз бериб турадиган узок давом этган урушлар ва жанглар давомида ёки узок жойларга саёхатларга ва сафарларга чиққанларида (савдогарлар, саёхатчилар, жангчилар ва бошқалар) бу етарлича қувват берувчи ва енгил ҳазм бўлувчи емишни севиб истеъмол қилганлар.

Кундалик турмушда, ҳар хил тўйларда, ёш чақалоқлар дунёга келганда, келин тушуриш, қиз узатиш тўйларида, ҳарбий хизматдан соғ-саломат қайтганда ҳамда бошқа турли хурсандчилик тadbирларида тарик донидан таёрланган сўкни сариёғ билан шакар ёки асал аралаштириб (мой сўк деб аталадиган) мазали таомлар тайёрлаганлар ва истеъмол қилганлар. Улуғ ёшдаги (100 ёш ва ундан ўтган) кекса одамлар вафот этганда ҳам ҳаммани марҳумнинг ёшига етказсин деб тарик донидан таёрланган мой сўклар жинноза ўқиш жойларида йиғилган одамларга истеъмол қилиш учун тарқатилган. Бу миллий дастур ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда.

Сўкни сут ёки мойда тортилган ун кепаси билан қайнатилса, тўйимлилиги яна ҳам яхши бўлади. Дони ҳам, нони ҳам меъдада узок туради. Шу хусусиятини

ҳисобга олиб, муғул босқинчилари саркардаси-Чинғизхон ўз жангариларини тарик дони билан озиқлантирган [4:122].

Халқ тиббиётида тарик дони қиздирилиб, ичак оғриқларига малҳам бўлган. У сийдик ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилган.

Тарик бошқоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Унинг пояси похолпоя бўлиб, 45-150 см баландликкача ўсади. Барглари наштарсимон, тукли ёки туксиз, тўпгули рўвак.

Меваси – пардали дон, думалоқ ёки чўзиқ, оқ, сарик, қизил, жигаррангда. 1000 дон дони 4-9 грамм келади. Уруғи 8—10° ҳароратда униб чиқади, 12—15° да майсалари кўқара бошлайди. Ўсиш даври 60-120 кун. Тарик иссиқсевар, қурғоқчиликка ва тузга чидамли ўсимлик.

Тарик донида 10-15% оксил, 81% крахмал, 3,5% мой ва 0,15% қанд моддалари мавжуд. В₁ ва В₂ витаминларининг миқдори бошқа дон экинларига нисбатан кўп, қувватлилиги бўйича (100 г уни 325 кал) маржумоқ, гуруч ва маккажўхори уни билан баробар [1:202; 3:512; 5:432].

Тортилган ярмасида оксиллар ва крахмал, гуруч, маржумоқ, арпа унларидан кўп бўлиб, биологик қийматли маккажўхори, ловия, ер нок, буғдой оксиллари билан баробар даражада. Унида алмашинмайдиган аминокислоталар – лизин, метионин, триптофан ва бошқалар мавжуд. Тарикда мойлар унча кўп эмас, масалан, донида –2 - 4,3% гина. Лекин дон уруғида 21-22% тўйинмаган линол ва олеин кислоталардан ташкил топган мой бўлади.

Тортилган уни бошқа донларнинг унига қўшимча сифатли хамир тайёрлаш учун қўшилади ва у кондитер саноати амалиётида кенг қўлланилади. Тоза ҳолатидаги тарик унидан нон, печенье маҳсулотлари тайёрланса, у қалин эмас бўлиб, бир-бирига яхши бирикмайди ва тез қотида. Тарик дони пиво, вино тайёрлаш учун солодга қўшилади ва крахмал ишлаб чиқариш саноатида ишлатилади. Дони фақат озиқ-овқат гина эмас, балки ем-хашак ҳам бўлиб ҳисобланади. Шу боис, тарик ҳайвонотлар учун, асосан, паррандалар учун экилади, сабаби, унинг дони таркибида қиммат баҳо аминокислоталар (лизин, триптофан, метионин, изолейцин, валин ва бошқ.) бўлади ва ёш чорва молларининг ўсишини таъминлайди. Тортилган дони таркибида алмашадиган ва алмашинмайдиган аминокислоталар 74,3 дан 85,8% гача бўлади ва у чўчкалар учун концентрилланган ем-хашак, қарп балиқлари учун комбикорм компонентини тайёрлашда ишлатилади. Тарик донини технологик қайта ишлашдан қолган чиқиндисини, уруғи ва эндоспермсининг майда заррачалари протеинга, мойга ва витаминларга бой бўлади ҳамда улар қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озиқлантиришда фойдаланилади [1:202; 3:512].

Тарик жуда юқори ҳосил беради ва кеч муддатда экилганда ҳайвонлар учун яшил ем-хашак тайёрлашда, сенаж ва силос бостиришда, витаминли ўсимлик унини ва самонини етиштиришда эҳтиёжманд экин сифатида қўлланилади ва экилади.

Тарик юқори озуқага эга ем-хашак. Ўсимликнинг 1 кг яшил массаси тоза турида 0,16 о.б., 17 г ҳазм бўлувчи протеинга эга. Бир озуқа бирлигига тарикнинг 5,1 кг яшил массаси, вико-сулининг - 5,5 кг и тўғри

келади. 1 о.б. 106 г ҳазм бўлувчи протеинга баробар. У юкори таркибли углеводларга эга (1,5-3,0 % қандли), тоза турида ҳам, дуккакли (нухат, викалар билан) ара-лашма ҳолатида силослаганда ҳам ўртача ачишни та-минлайди.

Йирик шохли қорамолларнинг рационига тарик е-машакларини қўиши уларнинг махсулдорлигини ва махсулот сифатларини орттиради [1:202; 3:512].

Бу ўсимлик жуда серҳосил бўлиб, Ўзбекистонда суғориладиган ерларда 25-40 ц/га, лалмикорликда 7-15 ц/га ва бўз тупроқларда етиштирилганда эса 20-30 ц/га гача дон ҳосилини беради. Тарикнинг 100 дан зиёт нави бор. Ўзбекистонда тарикнинг битта Саратов 853 (1933) навини экиш учун – Давлат реестеридан ўтказилган бўлиб, у дехкон-фермер ва хусусий хўжаликларда тўғридан-тўғри озик-овкат махсулотларини етиштириш учун ҳамда шўр ерларни ўзлаштирувчи мелиорант экин ҳисобида жуда кам микдордаги майдонларда асо-сий ва такрорий экин сифатида экилмоқда [2:120].

Саратов 853 (1933) нави сиқик тарик кенжа турига ва гули кичик гуруҳига мансуб. Қурғоқчиликка чидамли, рўвақи йирик, калта ва зич, кам эгиловчан. Дони тўқ қизил, йирик. 1000 дон вази 6,8 г. Дони кам тўкилади. Ўсиш даври 60-105 кун. Ҳосилдорлиги лал-мида 4-6, сувликда-25-30 ц/га. Ҳозирда тарикнинг Са-ратовская-3, Барнаул-80, Мироновская-51, Козон-596 навлари кенг тарқалган. Бу навларнинг вегетация даври 64-86 кун. Орлов паканаши, Харьков-57 навларини бўз тупроққа экканда, 55-60 кунда пишади [1:202; 3:512; 5:432].

Тарикнинг чикитлари (кайта ишлашда ҳосил бўлган) қорамоллар учун яхши озуқа. Дони бутунлигича ёки тегирмонда тортилиб, паррандалар ва чўчкаларга берилади, 1 кг донида 0,97 о.б., поясининг 1 кг да 0,51 о.б., сомонида 0,42 о.б. сақлайди. Тарикнинг пояси ва сомонида мувофик ҳолда 3,9 ва 7,9 % оксил, 38,6 ва 39,5 АЕМ, 33,9 ва 32,4 % клетчатка, 1,8 ва 2,9 йод, 5,8 ва 19,6 % кул бор. Унинг 5,1 кг яшил массаси бир озуқа бирлигига тенг. Донида крахмал микдори 57,6 %, ёрмасида (пшено) 71 % га етади. Тарикнинг крахмали гуруҳиқига нисбатан тезкор қандга айланади [1:202; 2:120; 3:512; 5:432].

Жанубий Оролбўйларининг кескин иқлим шароитида тарикнинг маҳаллий навлари бошоқларининг шаклига кўра: попук тарикда бошоғининг марказий ўқи узун ва тўғри, барча шохлари марказий ўқдан четга ёйилган. Шохли тарикда ҳам шундай, бироқ шохлари унчалик четга чикмайди. Қисилган тарик эгилган узун бошоққа эга бўлиб, барча шохлари марказий ипга қисилган. Ярим юмалоқ тарик ҳам калта зич бошоққа эга, пастки шохлари ёйилган, юқорги шохлари асосий ўққа қисилган. Юмалоқ тарик калта зич бошоққа эга, шохлари калта асосий ўққа зич жойлашган.

Тарикнинг уруғи ўсиши учун оғирлигига нисбатан 25% сувни талаб қилади, унга нисбатан, арпа ва бугдой уруғи учун икки марта кўп сув сарфланади. Тарикнинг транспирация коэффиценти 250 мм га тенг, бу эса бугдойга нисбатан 1,5 мартаба кам. Шу боис тарикнинг илдиз тизими тупроқдаги намликнинг энг кам микдорини ҳам ўзлаштириш хусусиятига эга.

Адабиётлар

1. Атабаева Н., Қодирхожаев О. «Ўсимликшунослик». -Т.: Янги аср авлоди», 2006, 298-б.
2. Государственный реестр сельскохозяйственных культур, рекомендованных к посеву на территории Республики Узбекистан. -Т.: СП «Ruta Print». 2011, -С.120.
3. Коренков Г.В., Подгорный П.И., Щербак С.Н. Растениеводство с основами селекции и семеноводства. Изд. 2-е, доп. и пер. раб. под. ред. проф. Г.В.Коренкова. -М.: «Колос», 1983, -С.512.
4. НТО. ХД-4 «Эффективные методы повторного использования коллекторно - дренажных вод в целях улучшения состояния фитоценозов на деградированных землях в Приаралье» (Заказчик: Научно-производственное Государственное Предприятие (НПП) «Экология водного хозяйства» при Государственном комитете по охране Республики Узбекистан (Заклучительный отчет). Руководитель темы: к.с.-х.н, с.н.с. К.А.Косназаров. -Н.: 2014, -С.122.
5. Растениеводство. /П.П.Вавилов., В.В.Григорьев, В.С.Кузнецов, Н.Н.Третьяков И.С.Шатилов/под ред.П.П.Вавилова.-2-е изд. перераб. -М.: «Колос», 1981, -С.432. (Учебники и учебное пособие для сред. с.-х. учеб. заведений).

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолани талабалар ўзларининг курс ишларида, битирув ишларида ва ҳоказо бакалаврлар, магистрлар диплом ишларида, шунингдек, докторантлар илмий ишларида фойдаланишлари мумкин.

Тарикнинг бир йилда икки мартаба дон ҳосилини етиштиришда ҳам аҳамияти катта. Айниқса, экиш меъёрининг камлиги, тезпишарлиги, қисқа кун ўсимлиги бўлиши, унинг қимматини янада оширади. Ундан сийраклашган ғалла майдонларини таъмирлашда ҳам фойдаланиш мумкин [1:202; 3:512; 5:432].

Хулоса қилиб айтганда, тарик ўсимлиги Марказий Осиёнинг курик ва иссиқ ҳавоси шароитида ҳам юкори ҳосил беради. Тарик ғалла экинлари орасида қурғоқчиликка, иссиққа энг бордошлилиги, тузли тупроқларда ҳам яхши ўсиш ва мўл ҳосил бериш хусусиятларига эга бўлиши билан ажралиб турадиган универсал ўсимлик. Тарик ҳар хил касалликларга ва турли зараркунанда ҳашоратларга ҳам чидамли. Шунинг учун ҳам бу ўсимликни Жанубий Оролбўй-ларида жойлашган Қорақалпоғистон Республикасининг кам ва ўртача сув билан таъминладиган, деградацияга учраган шўр тупроқли кўрик ерларидаги хўжаликларда муҳим аҳамиятга эга асосий озик-овкат экинлари сифатида саноат миқёсида ўстиришни тавсия қиламиз.

Шундай қилиб, қундалик турмушда энг кўп истеъмол қилинадиган ўсимлик ҳисобланади. Лекин, шу вақтгача Жанубий Оролбўйларида тарикнинг био-экологиясини тўлиқ ўрганиш, асосан, кўрик ерларда ўсимликнинг ҳосилдорлигини яхшилаш ва етиштириш технологияси илмий жиҳатдан етарли даражада асослаб берилмаган, ҳамда бу муаммо диққат эътибордан четда қолиб келмоқда.

Тарик (*Panicum miliaceum* L.) ўсимлигини Жанубий Оролбўйларида кўрик ерларда ўстириш техноло-гиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг ажралмас қисми бўлмиш Қорақалпоғистон Республикасининг экологик шаро-итида ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш, сув ресурсларини тежаш ва сув тақчиллиги шароитида кам сувни талаб қилувчи, лекин кўп ҳосил берувчи, тузга чидамли ўсимлик турларини етиштириш (озик-овкат, ем-хашак, кийим-кечак, қурилиш материали, доривор ва ҳоказо), Орол денгизи ва Оролбўйларида юз бераёт-ган салбий экологик таъсирларни бартараф этиш бўйи-ча олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг усту-вор йўналишларига бевосита боғлиқдир.

Шунингдек, бу тадқиқот ишлари Республика фан ва Технологияларни ривожлантиришнинг «Қишлоқ хўжа-лиги биотехнологияси, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарил-моқда.

Илмий-тадқиқот ишларимизнинг мақсади Жанубий Оролбўйлари экстремал-экологик эпицентр марказида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги кўрик ерларда (шўрланган тупроқли ва кам сувли ша-роитда) тарик навларини асосий экин сифатида етиштириш ва суғориш тизимини тақомиллашти-ришдан иборат.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун бизлар кўрик ерларда тарик (*Panicum miliaceum* L.) ўсимлигини ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш учун илмий-тадқиқот ишларимизни бошлаб юбордик ва унинг даслабки самарали натижа-ларига эга бўлмоқдамиз. Бу натижалар ҳақида келгуси мақоламизда баён қиламиз.

Материалы данной статьи могут быть использованы для написания студентами курсовых работ, выпускных работ бакалаврами, для дипломных магистерских работ, а также докторантами в своих исследовательских работах по указанной теме.

The materials of this article can be used for students to write course papers, graduation papers, i.e., diploma works by bachelors, for master's theses, as well as doctoral students in their research works on this topic.

УДК: 636.3.03:637.62

ҚОРАҚҰЛ СОВЛИҚЛАРИ КҰПАЙИШ СИФАТИНИНГ СЕМИЗЛИК ДАРАЖАСИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Б.М.Базаров – биология фанлари номзоди, доцент

М.Р.Сиддиқов – магистрант

Самарқанд давлат университети

М.Ш.Исмаилов – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Таянч сўзлар: қорақұл совлиқлари, семизлик, даража, сурув, кўпайиш, сифат, уруғланиш, мавсум, куюкиш, бўғозлик, муддат.

Ключевые слова: каракульские матки, упитанность, уровень, стада, воспроизводство, качество, оплодотворение, сезон, охота, суягность, срок.

Key words: karakul uterus, fatness, level, herds, reproduction, quality, fertilization, season, hunting, coagulation, term.

Бугунги кунда мамлакатимизда чорвачиликни, хусусан қорақұлчилиқни ривожлантириш жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу борада Республикаимиз Президентининг 2019 йил 16 августига № ПҚ-4420 “Қорақұлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида Республикада қорақұл зотли қўйлар бош сони ва қорақұлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини янада ошириш кўзда тутилган.

Маълумки, қўйларнинг семизлик даражаси-сурувни озиклантириш, саклаш ва физиологик ҳолати ҳамда сурувдаги совлиқларнинг қайта урчиш хусусияти билан боғлиқ кўрсаткич ҳисобланади. Бу кўрсаткич совлиқлар организмнинг бўғозликга тўлиқ табиий тайёргарлик натижаси ҳисобланиб, ҳайвоннинг хўжалиқда фойдаланиш муддати меъёрини, сакланувчанлигини ҳамда ҳаётчанлиги юқори бўлган қўзи олишни кафолатлайди.

Қорақұл қўйларининг семизлик даражасини уруғлантиришдан олдин ва уруғлантириш даврида юқори даражада саклаш учун яйловлар айланмасидан рационал фойдаланиб, бу даврда юқори ҳосилдор яйловларда қўйларни саклаш ва озиклантириш талаб этилади [4:27].

Фермер хўжалиги сурувидаги совлиқларнинг семизлик даражаси совлиқларни уруғлантириш мавсумидан олдин, яъни октябр ойининг бошида аниқланди [5:8].

Совлиқларнинг семизлик даражасини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. **Тажриба отаридаги қўйларнинг семизлик даражаси. 2019 йил октябр ойи ҳолатига**

Қўйларнинг ёш ва жинс гуруҳлари	Қўйлар бош сони	Семизлик даражаси					
		Ўртадан юқори		Ўрта		Ўртадан паст	
		б/с	%	б/с	%	б/с	%
Совлиқлар	357	251	70,3	97	27,1	9	2,6
Тусоқлар	71	63	88,7	8	11,3	-	-
Жами	428	314	73,4	105	24,5	9	2,1

Олинган маълумотлар таҳлили, шуни кўрсатадики фермер хўжалигида жами уруғлантириш контингентдаги қўйлар 428 бошни ташкил этиб, шундан 71 боши ёки 16,6 фоизи биринчи уруғлантирилаётган 2018 йилда туғилган ургочи қўзиларни ташкил қилди.

Хўжалиқдаги совлиқлар ва тусоқларнинг семизлик даражаси 2019 йилнинг 10 октябр куни ҳолатига аниқланганда отарда 314 бош ёки 73,4 фоизи ўртадан юқори семизликда, 105 боши ёки 24,5 фоизи ўрта ва 9 бош ёки 2,1 фоиз совлиқлар ўртадан паст семизлик даражасида эканлиги аниқланди.

Хўжалиқдаги совлиқлар қўлда уруғлантириш методидан фойдаланиб уруғлантирилди. Совлиқларни

уруғлантириш натижалари 2-жадвалда умумлаштирилган.

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, семизлик даражаси ўртадан юқори бўлган ўртадан юқори бўлган совлиқларнинг асосий қисми, яъни 83,4 фоизи уруғлантириш мавсумининг биринчи ўн кунлигида, 16,6 фоизи иккинчи ўн кунлиқда уруғланди. Ўртадан юқори семизликдаги совлиқлар биринчи ва иккинчи ўн кунлиқда тўлиқ уруғланиши аниқланди.

Семизлиги ўрта даражада бўлган совлиқларнинг фақатгина 24,8 фоизи уруғлантириш мавсумининг биринчи ўн кунлигида, 54,3 фоизи иккинчи ўн кунлиқда ва 20,9 фоизи учинчи ўн кунлиқда уруғланган бўлса, ўртадан паст семизликдаги совлиқларнинг мавсумнинг биринчи ўн кунлигида куюкишга келмаганлиги, иккинчи ўн кунлиқда 22,2 фоиз ва учинчи ўн кунлиқда 77,8 фоиз уруғланганлиги аниқланди.

2-жадвал. **Совлиқларнинг уруғланиш мавсумида кўйга келиш жадаллиги**

Семизлик даражаси	Уруғлантириш муддатлари	Уруғланган совлиқлар, бош	
		бош	%
Ўртадан юқори	I декада	262	83,4
	II декада	52	16,6
	III декада	-	-
Жами		314	100,0
Ўрта	I декада	26	24,8
	II декада	57	54,3
	III декада	22	20,9
Жами		105	100,0
Ўртадан паст	I декада	-	-
	II декада	2	22,2
	III декада	7	77,8
Жами		9	100,0
	I декада	288	67,3
	II декада	111	25,9
	III декада	29	6,8
Ҳаммаси		428	100,0

Хўжалиқ бўйича жами совлиқларнинг 288 боши ёки 67,3 фоизи мавсумнинг биринчи ўн кунлигида, 111 боши ёки 25,9 фоизи иккинчи ўн кунлиқда ва 29 боши ёки 6,8 фоиз қўйларнинг учинчи ўн кунлиқда кўйга келиши аниқланди. Олинган маълумотлар совлиқларнинг семизлик даражаси билан уларнинг куюкиш интенсивлиги ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

Хулосалар. Тажриба натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, совлиқларнинг семизлик даражаси ўртадан юқори бўлганда улар қисқа муддатларда уруғланиб, қўзилатишни тез фурсатларда яқунлаш имкониятини беради, бу эса олинган қўзиларнинг яйлов ўсимлиқларидан максимал фойдаланиш имкониятини беради.